ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА - МАХСУС, КАСБ – ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

# ИЖТИМОИЙ СОҲА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2-ҚИСМ

САМАРҚАНД - 2016 йил.20-апрель

# РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

Ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик муаммолари. 2016 йил.140 б.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасаруффидаги олий таълим ва илмий-тадкикот муассасаларида 2016 йилда ўтказиладиган Республика микёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2016 йил 20-январдаги №33-Ф-сон фармойишини амалга ошириш мақсадида 20.04.2016й куни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида Республика микёсида илмий-амалий конференция ўтказилди. "Ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик муаммолари" мавзусида ўтказилган конференцияда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, мактаб ва академик лицей ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими ўсталари ўз макола ва тезислари билан катнашдилар.

Тупламга ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик муоммаларини мухокама килиш, олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълими тизимида таълим, тарбия жараёни мазмунини янги боскичга олиб чиқиш бўйича мақолалар киритилган.

Тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни ва уларда келтирилган далилларга муаллифлар тўла масъулдирлар.

Тўплам Самаркaнд иқтисодиёт ва сервис институти Илмий-Педагогик Кенгаши (2016 йил 14 апрелдаги 7-сонли йиғилиши) томонидан нашрга тавсия этилган.

**Маъсул муҳаррирлар:**

□удратов □.□. Асланова Д.□.

**Тахрир хайъати аъзолари:**

Мирзаев К.Д. Турсунова Ф.У. Мамуров М.В. Исмоилова В. К.

Хожибоев Б.Д. Махмудов С. О. Умархонова Н.Р. Нарзуллаев Ш. Ж.

© Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти.2016й



## СЎЗ БОШИ

Бугунги кунда юксак салоҳиятли ва етук мутахасисларни тайёрлаш давр талаби бўлиб улгурди. Бу эса таълим тизимида ўқитувчидан янгича ижод қилишга сафарбор этади.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, таълим тизимини тубдан ислох қилиш асосий ва кечиктириб бўлмас масалалардан бири бўлиб колди. Шу мақсадда, тизимда эътиборга мойил ишлар амалга оширилдики, бугунги кунда жаҳон аҳли ўзбек таълим тизими моделини қизиқиш билан ўрганмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисидаги" қонуннинг қабул қилиниши таълим-тарбиянинг, чунончи, касбий таълимнинг тараққий этишига юксак омил бўлди.

Ҳозирда таълим муассасалари ўқитувчилари ўз дарсларига ижодкорлик билан ёндашаётганлиги, янгидан-янги педтехнологияларни амалиётта татбик этаётганликлари қувонарли ҳолдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд барча касб-таълим ва академик лицейлар энг тажрибали ва малакали ўқитувчи – ходимлар билан таъминланиши билан бирга, ушбу таълим масканларида ўқувчи – ёшларга энг илғор педтехнологиялар асосида билим берилмоқда. Бу эса келажагимиз ворисларини баркамол мутахассисликлар бўлиб шакилланишига юксак омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ўрта-махсус таълим муассасаларида ўқитувчилар нафақат таълим-тарбия, шу билан бирга, илмий-тадқиқот ишларини кенг йўлга қўйганликлари уларнинг малака ва кўникмаларининг тараққий этаётганлигидан далолат бермоқда.

Республикамиздаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда бугунги кунда кўплаб илмий-оммабоп тадбирларнинг уюштирилиши таълим тизимига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда нафақат ўрта махсус таълим масканларининг ўқитувчилари илмий тадқиқот ишлари билан машғул, шу билан бирга, шундай масканларда таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг ҳам илмий - тадқиқот ишлари билан машғул бўлиши, яъни улар томонидан ёзилаётган илмий мақолалар нафақат мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам мутасаддилар томонидан илиқ кутиб олинмоқда.

Бугунги кунда Олий ўқув юртлари билан ўрта махсус таълим масканларидаги ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот каби жабҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳар иккала таълим тизимидаги узвийликни янада ривожлантиришга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Бу эса келажагимиз ворислари – ёшларнинг жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Ушбу тўпламга киритилган илмий мақолалар ва тезислар бугунги кунда долзарб бўлган масала – тизимдаги муаммолар, ечимлар ва фан ютуқларини ўз ичига олади.

В настоящее время органы печати уделяют большое внимание политическим событиям, происходящим В Узбекистане и во всем мире. В связи с этим лексической состав русского языка на базе богатого наследия узбекского языка пополняется новыми общественно-политическими словами (хоким, хокимият, Олий мажлис, памаки, пишакмиялар) Хотя смысел «фоновых слов» может быть передан средствами русского языка, журналисты отдают предпочтение средствам госязыка, чтобы не исказить их содержания. В таких словах «локально-колоритный оттенок дополняет собственно смысловую информацию, поэтому такие слова совмещают роль и экспрессивного, и информационного элемента текста». Такие слова позволяют повысить политическое сознание общества, воспитать у студентов уважительное отношение к народу, почтение к лучшим местным народным традициям.

## ТАЪЛИМДА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Байдуллаев А.С.**
**Тошкент фармацевтика институти**

Инсон турли аъзолари ёрдамида ахборотларни қабул қилади ва хотирасида сақлайди. Аммо инсоният ўз тараққиёти даврида шу даражада кўп ахборот тўплаганки, уларнинг барини сақлаш ва идрок этиш учун инсоннинг онги ожизлик қилади. Асримиз мўжизаси бўлган компютерларнинг яратилиши бежиз эмас, улар турли-туман ахборотлардан фойдаланиш, уларни сақлаш ва келажак авлодга узатиш учун инсонга ҳамиша кўмакдош. Ҳозирги вақтда жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотлар таълим муассасаларини замонавий компютер воситалари билан таъминлаш, улардан кенг фойдаланиш учун катта имкониятлар яратиб бермоқда. Булар қаторида компютерлар, мултимедиа, видеопроектор, сканер, кодоскоп, лингафон хоналари билан жиҳозланмоқда. Замонавий компютер воситаларидан дарс давомида компютер воситаларидан, компютер дастурларидан, дидактик воситалардан, мини плакатлардан, слайдлардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг билим савиясини оширишда катта ёрдам кўрсатишини ҳаммамиз хам яхши биламиз. Ундан ташқари семинар ва анжуманларда компютер воситаларидан фойдаланиш биз учун қулайлик яратди.

Мултимедиа воситалари: мултимедиа проектор СТХ Ез Про 500 - бу қурилма Германияда ишлаб чиқарилган бўлиб, компютер, видеомагнитофон, видеокўзнинг ахборотларини экранга чиқариш 36 имкониятига эга. Проектор ихчамлиги, ўрнатиш осонлиги фойдаланувчига катта қулайлик яратади. Проекторнинг устки қисмида бошқариш тугмалари жойлашган бўлиб, улар панелдаги 4 та тугма ва кўрсаткичлардан иборат. Мултимедиа проекторнинг орқа тарафида ташқи қурилмалар билан алоқа қилувчи панел жойлашган. Видео кўз – бу



қурилма аслида видеокамера ўрнини босиб, уни бевосита телевизорга улаб керакли нарсаларни (компютерлаштирилган мини плакатлар, дидактик материаллар, слайдлар ва бошқалар) ўқувчиларга кўрсатиш мумкин. Масалан шеърни ифодали ўқишларида намуна сифатида бирор бир шоирнинг шеър . ўқиш услубини ёки болалар шоирларининг ҳаёти ва ижодни ва хк. Бошқа усули эса, мултимедиа проекторга уланган холда ёйма экранга тасвир узатилади. Мултимедиа, проектор, ведеомагнитофон, видео кўз ва компютерни комплекс равишда ишлатилиши мумкин. Мултимедиа проектор, видеомагнитофон ва компютер биргаликда ёки видеомагнитофонсиз ишлатилиши мумкин.

Доскадан фойдаланишни хам режалаштириб олиш зарур. Бунинг учун ўтиладиган мавзу бўйича доскага ёзиладиган матн ва чизмалар тартиб билан режалаштириб, қоғозга хомаки та ах ишлаб чиқилади. Доскадан фойдаланишнинг асосий қоидалари:

- барча ёрдамчи воситаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш;
- доскага аниқ ва орфографик хатоларсиз ёзиш;
- матн ёки чизмалар оралиқларин бир хил тақсимлаш;
- рангли бўрларни дидактик талабларга мос келган ҳолатда ишлатиш;
- таълим олувчилар билан доим "кўз алоқаси" ни сақлаб туриш;
- фақат бир томонга эмас, барча таълим олувчиларга қараб гапириш;
- ўзлаштириш натижаларини текшириб туриш;
- муҳим бўлган маълумотларга алоҳида эътиборни ёрдамчи воситалар ёрдамида қаратиш.

Ўқув жараёнини бу воситасиз тасаввур этиш қийин. Асосий қулайлиги шундаки, слайдларни компютерда ёки шунингдек қўлда профессионал даражада тайёрлаш мумкин. Улардан исталган пайтда фойдаланиш ва иш ўрни ўзгарганда бошқа жойга ўтказиш мумкин. Слайдларни тайёрлаш учун қуйидаги материаллар керак бўлади:

- атсетатли қоғоз – сони толадан тайёрланган тиниқ қоғоз;
- алоҳида қопламага эга, нусхалаштириш мумкин бўлган слайдлар;
- слайдларга ёзиш учун фломастерлар (доимий ёки сув билан ўчириш мумкин бўлган);
- слайдларни тозалаш учун спирт;
- символи асбоблар (шаблонлар, чизғич ва шу кабилар).

Таълим жараёнида мултимедиа воситалари ёрдамида дарсларнинг самарадорлигини ошириш хозирги куннинг долзарб масалаларидандир. Ривожланган хорижий давлатларда ўқитишнинг бу усулини таълим соҳасининг барча йўналишлари бўйича тадбиқ қилинмоқда. Ҳозирги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, мултимедиа воситалари ёрдамида ўқувчиларни ўқитиш икки баробар самарали бўлмоқда. Мазкур восита ёрдамида ўқитишда анъанавий таълим усулларига нисбатан ўртача 30% гача вақтни тежаш мумкин ҳамда олинган билимлар ўқувчилар хотирасида узоқ муддат сақланиб қолади. Маълумки, эшитган материалнинг тўртдан